

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ**43 Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги давлат мулки ҳисобланган бино ва иншоотларни давлат органларига тегишли ҳудуди билан бериш тўғрисида**

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрининг Бош режаси қайта кўриб чиқиши муносабати билан шаҳарда янгидан қуриладиган объектлар учун жойлар тайёрлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш ҳамда Термиз шаҳридаги Ички ишлар бошқармасининг 2-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмини бинолар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги давлат мулки ҳисобланган бино ва иншоотларни тегишли ҳудуди билан оператив бошқариш ҳуқуқи асосида иловага мувофиқ давлат органларига бепул бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги бир ой муддатда мазкур қарор иловасида кўрсатилган бино ва иншоотларни тегишли ҳудуди билан биргаликда белгиланган тартибда топширилишини ва қабул қилиб олиншини ҳамда улардан самарали фойдаланилишини таъминласин.

3. Белгилансинки, Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси балансига ўтказилаётган бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва уларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ҳар йили ажратиладиган капитал қўйилмалар, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари доирасида амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки объектларидан оқилона фойдаланиш ва уларни тасаруф этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 8 сентябрдаги 251-сон қарори 2-иловасининг 85-қатори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 27 январь,
15-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 27 январдаги 15-сонли қарорига
ИЛОВА

4 (660)-сон

**Давлат органларига оператив бошқариш ҳуқуқи асосида тегишли ҳудуди
билан бепул берилаётган давлат мулки ҳисобланган бино ва иншоотлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Бино ва иншоотларни балансда сақловчи ташкilot	Бино ва иншоотлар номи	Бино ва иншоотлар жойлашган манзил	Умумий ер майdonи, кв. м	Бино ва иншоотлар эгаллаган майdonи, кв. м	Бино ва иншоотларни беришнинг ҳуқуқий шакли	Бино ва иншоотларни қабул қилувчи давлат органи
1.	Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси	Маъмурий ва хўжалик бинола- рининг бир қисми	Термиз шаҳар, А. Темур кўчаси, 29-уй	7500	2099,16	Оператив бошқарув ҳуқуқи	Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар ҳокимлиги
2.	Сурхондарё вилояти Фавқулodда вазиятлар бошқармаси	Раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази ва хўжалик бинолари	Термиз шаҳар, Истиқлол (Ш. Рашидов) кўчаси, 86-уй	1983,31	562,8	Оператив бошқарув ҳуқуқи	Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқарма- сининг Ёнғин хавф- сизлиги бошқармаси
3.	Мудофаа вазирлигининг Термиз шаҳар уй-жойдан фойдаланиш ҳарбий қисми	Хўжалик бинолари	Термиз шаҳар, Истиқлол (Ш. Рашидов) кўчаси	1000	68,96	Оператив бошқарув ҳуқуқи	Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқарма- сининг Ёнғин хавф- сизлиги бошқармаси

— 7 —

43-модда

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2015 й.